

ТУРКИЙ МИФОЛОГИЯДА ҚАНОТЛИ ЙЎЛБАРС ВА ШЕР ТИМСОЛИ

Ҳамза Алламбергенов,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Нукус давлат педагогика институтининг,
Ўзбекистон, Нукус

Аннотация. Ушбу ишда қадимий санъат асарларидаги икки қиёфали тасвирлар ва уларнинг мифологик асослари хусусида сўз юритилган, ғайритабиий тимсолларнинг архаик типи синкретик характерга эга бўлганлиги аниқланган ҳамда оғзаки эпик анъанадаги мифопоэтик образлар билан функционал-семантик муштараклиги асосланган.

Калим сўзлар: Қадимги туркий мифология, тасвирий санъат, оғзаки ижод, ғайритабиий тимсол, қанотли жонзот.

Инсониятнинг табиий олам билан бирлигини ва табиатдаги ҳодисалар, жонзотлар билан ўз фаолиятини уйғунлаштирганини, яъни бир «қолип»га солганини механик ҳодиса сифатида қараш керак, деб ҳукм чиқариш ҳам бир ёқламадир. Чунки бу ибтидоий даврдаги билимнинг ўзига хос намунаси, зотан, «билим культга мансуб, билим мансуб бўлган умумий шакл эса ишончдир...» [2: 371] Инсониятнинг борлиққа ишончи ва ундан ниманидир излаши натижаси ўлароқ юзага келган тушунчалар, тасаввурлар, тимсоллар воситасида ибтидоий инсон ўз онгида ҳаётининг ҳақиқатни кашф этади. Ибтидоий инсон тасаввуридаги ҳаётининг ҳақиқатнинг тимсоллари тасвирий ва амалий санъат намуналарида, эртақларда, умуман, халқ оғзаки ижодининг ҳар қандай турида ўз қиёфасини намоён этади. Бу фикрларнинг тасдиғи сифатида Марказий Осиёдаги тасвирий ва амалий санъатнинг энг қадимги намуналарига мурожаат этамиз. Тасвирий ва амалий санъат намуналари бадиий тафаккурнинг маҳсули ўлароқ, ғайритабиий тимсоллар ифодасида айни халқ оғзаки ижодига ва илк ёзма адабиётга ҳамроҳандир.

Марказий Осиёдан топилган санъат асарлари, уй-рўзғор буюмлари, иш қуроллари, девор суратлари, қояларга ўйилган ёки ёғочларга ишланган ва бошқа қатор намуналар орасида икки қиёфали тасвирлар бор. Ёзма матн ёки халқ оғзаки ижоди, хусусан, сеҳрли эртақлар, афсоналар билан юқорида

биз айтиб ўтган санъат асарларидаги тасвирларнинг моҳияти ва мазмуни бир-бирига яқиндир. Зотан, икки қиёфали тимсол тасвирий санъат асарида бўладими ёки матнда бўладими – барибир, бир мазмундаги мифологик тимсол бўлиб, «бу мифологик образ учун полисемантизм, яъни образларнинг мазмуний ўхшашлиги деб аталадиган тасаввурлар характерлидир.



1-расм. Қанотли жонзот тасвири.

Иссиқ кўрғонидан топилган ёдгорликлар орасида қанотли йўлбарссимон йиртқич ҳайвон тасвири бор [1: 67]. Нафақат тасвир жиҳатидан, балки мазмун ва моҳият жиҳатидан ҳам қанотли от билан бир. «Амударё хазинаси» топилмалари орасида ҳам қанотли йўлбарс тасвири, шунингдек,

қанотли мушуксимонлар оиласига мансуб жонзот тасвири диққатга сазовор (1-расмга қаранг). Бундан ташқари, йўлбарснинг, грифнинг хонаки ҳайвонларники сингари шохи ҳам бор [4: 13-, 118-, 130-суратлар]. Қанотли йўлбарсни, юқоридагидай, ғайритабиий тимсол сифатида талқин қилишимиз табиий. Иссиқ кўрғонидан топилган яна бир ғайритабиий йўлбарс тимсоли аниқ тасвири билан олдингисидан фарқ қилади [1: 86; 3-сурат]. Бу тасвирда қанотсимон қисм ва йўлбарснинг орқа оёғи томонида тоғ тасвирини ифодаладиган пластинка мавжуд. (2-расмга қаранг. Ғайритабиий йўлбарс тимсоли бош кийимда ясалган). Ўрта Осиёдан скиф-сибирь усулидаги бу сингари ғайритабиий тимсолнинг қандай шаклда эмас, қандай объектларга ишлангани ҳам муҳим аҳамиятга эга.



2-расм. Қанотли йўлбарс тасвири.

Масалан, милоннинг I асрига мансуб қурбонгоҳга 30 та ҳайвоннинг – қанотли шер ёки қанотли ит ҳайкалчалари бирин-кетин тарзда ясаб

ўрнатилган. Мисдан ясалган бу икки қурбонгоҳ маздакийлик культуни ифода этади, деган фаразни илгари суриш мумкин.

Тарихий муносабатлар, маданий алоқалар ҳам скиф-хайвонот усулининг бошқа ҳудудларда ва тамомила бегона этник гуруҳлар санъатида ҳам давом этишига асос бўлиши мумкин. Ўрта Осиёдан тортиб Хитой ва ҳинд-хитой мифологиясида йўлбарс ёки шер хайвонлар шоҳи ва ўрмон хўжайини тимсолида қўллангани маълум. Бу анъана архаик мифология ва қадимий удумлардан озикланган ҳамда кўплаб эртак, дostonларга ўтгани шубҳасиз. Шунингдек, йўлбарс айрим халқларда тоғ ва ғор руҳи тимсолида ҳам қўлланади. [3: 511-512] Ўзбек, қорақалпоқ ва қирғиз халқларининг инонч-эътиқодларида бу тимсолнинг бир-бирига яқин маъно ифодалашади ҳам маълум бир мақсад бордай туюлади. Масалан, қорақалпоқ аёлларининг эътиқодига кўра, фарзандсизликка барҳам бериш учун бир парча йўлбарс гўштини тановул қилиш кифоя бўлган экан. Қирғиз шомонлари дуоларини ўқиётганларида, ёрдам сўраб оқ йўлбарсга мурожаат қилар эканлар. Бу сингари мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бу ўринда қанотли йўлбарс ёки шердан мақсад шуки, бу тасвир фақат хаёлот маҳсули сифатида ишлатилмаган, балки мифопоэтик тасаввурларнинг инъикоси деб қараш мақсадга мувофиқдир. Албатта, мифопоэтик тасаввурлар удумлар, инонч-эътиқодлар, диний эътиқодларга таянади.

Муайян предметнинг ғайритабиий кўринишда, масалан, қанотли тарзда тасвирланиши асрлар бўйи оғзаки шаклда етиб келаётган бебаҳо фольклор намуналари таркибида турфа рангларда жилоланади. Хусусан, қанотли от образи, шу турдаги бошқа тимсоллардан тасвир кўламининг ранг-баранглиги ва бадий тасвирий воситаларга бойлиги билан ажралиб туради. Хоразм дostonлари туркумига кирувчи «Гўруғли» дostonидаги қанотли отнинг тасвирига эътибор берайлик. Гўруғлининг байталидан туғилажак от ҳақида бобоси Жиғолибек башорат қилиб, келгусида бу байталдан туғиладиган от сени дунё юзига олиб чиқади, деб унга тасалли

беради. Байтал «пишиқни боласидан бир нарса тўғди... Буваси сармалаб гўриб айтдики, аммо ўғлим, бахтинг бор экан, эркак той ташлабди, бу той ҳар ойда бир ёшина гиради, олти ойда дарёдан отлидовун бўлади, дамmani, рошни тейинда, одам кўрмас ерларда яхшилаб боқавер, деди. Гўрўғли отларни боқиб юраверди. Гунлардан бир кун Гўрўғли отни ўтлаб юрган ерина борса той йўқ. Юраги шув этиб, у ён-бу ёнига қараса, той Араз дарёсининг орқа томонида ўтлаб юрибди. Гўруғли тойга қараб бир қийқирди, той бўйинини кўтариб, дарёни бир тарафина қараб бир зингди, қирғоқдан қирқ газ барига галиб тушди». [5: 37-38] Гўрўғли бу мўъжизадан ҳайратга тушиб, бобосига

... Бир ҳиммат етди Мавлондан,
Қанот боғлаб учди Ғирот...

Бир ҳиммат етишди пирдан,
Қанот боғлаб учди Ғирот, –

Фозил Йўлдош ижросидаги «Алпомиш»да эса қанотнинг ўрнига «қуйруғи қирқ қулоч» от тасвирланади. От қуйруғини зиндонга солиб, Алпомишни зиндондан олиб чиқади.

Қорақалпоқ фольклорида эса Есемурат жирав Нурабуллаев куйлаган «Алпомиш» достони вариантыда [6: 131] Алпомишнинг оти ғайритабиийлиги билан диққатни тортади:

Сен ҳайўанның тулпары,
Мен инсанның суңқары,
Қос қанатты жаягөр,
Достымның минген Шубары...
Ҳаслы ҳайўан болса да,
Хошаметке шыдамай,
Түсинеди бул сөзге,
Қанатқа пәрман қылады,

Гә ушып, гә қонады.

Умуман, ғайритабий тимсолларнинг шаклланишида синкретизмнинг борлиги алоҳида диққатни жалб қилади. Тасвирий санъатда икки қиёфали тасвирлар халқ оғзаки ижодида ҳамда ёзма адабиётда яхлитлашади ҳамда бир мазмун ва моҳиятга эга бўлади. Ана шундай тасвирлар «скиф-сибирь ҳайвонот усули» деган ном билан юритилади. Туркий халқларнинг қадимги тасвирий ва амалий санъат асарлари, халқ оғзаки ижоди ва ёзма ёдгорликларидаги ғайритабий тимсоллар «скиф-сибирь ҳайвонот усули» асосига қурилган бўлиб, қадимги туркий қавмларнинг бадий-эстетик тафаккурида алоҳида ўзига хос босқични ташкил этган. Бу усул қадимги аждодларимизнинг оламни англаш мезонларини кўрсатадиган бир омилдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Акишев К.А. Курган Иссык. – Москва: Искусство, 1978. – Б. 67.
2. Гегель. Философия религии. – Москва: Мысль, 1976. – С. 371.
3. Мифы народов мира. Энциклопедия. Том 2. – Москва: Советская энциклопедия, 1992. – С. 511-512.
4. Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. История искусств Узбекистана. – Москва: Искусство, 1965. 13-, 118-, 130-суратлар.
5. Хоразм дostonлари. Гўрўғли. Нашрга тайёрловчилар: С.Рўзимбоев, Х.Рўзимбоев, Г.Эшчонова. – Урганч: Хоразм, 2004. – Б. 37-38.
6. Қарақалпақ фольклоры. Алпамыс. Есемурат жырау Нурабуллаев варианты. Жазып алған Рамберген Хожамбергенев (1957 жыл). – Нөкис: Қарақалпақстан, 2007. – Б. 131.